

Алишер Навоий “Хамса”си жахон бадиий тафаккури тарихида мисли кўрилмаган макомга эга, ўзига хос поэтик ходисадир. “Хамса”ни ташкил этувчи дostonлар эса ўз-ўзича мустакил асар бўлиши билан бир каторда, айна жанр тизимида конкрет бадиий функцияни бажарувчи мукамал компонентлар ҳам хисобланади. Яъни “Хайрат ул-аброр”, “Фаход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр”, “Садди Искандарий” деб номланган “Хамса” дostonларининг хар бири ушбу поэтик системада аник вазифа бажаради. Шу маънода “Лайли ва Мажнун” дostonининг-да аник вазифаси бор. Бу вазифа, шубхасиз, дostonдаги трагизмда намоён бўлади. Агар биз “Хамса”ни инсон феноменини мукамал даражада камраб олган асар деб оладиган бўлсак, ундаги “Лайли ва Мажнун” дostonи инсоннинг минглаб харакатлари, интилишу истаклари, хис-туйгулари, акл-идроки, умуман инсониятга хос бўлган минглаб холатларнинг энг изтироблиси ва поклашга хизмат этадигани, трагик одам улугворлигини бадиий талкин этишга каратилган асардир.

Шунинг учун бўлса керак, фольклор ҳамда ёзма адабиёт тарихида айнан “Лайли ва Мажнун” мавзусига жуда кўп мурожаат этилгани кузатилади. Устозимиз профессор Бегали Косимовнинг бир тадқиқотида кайд этилишича, ушбу кадим афсона сюжети асосида факат ёзма адабиётнинг ўзида бир юз йигирмага якин асар ёзилган. Беихтиёр савол тугилади: бадиий сўз дунёсида юз минглаб, миллионлаб сюжетлар мавжуд бўлгани холда айна мавзунинг бунчалар кўп ишланишига сабаб нима? Бизнингча, сабаб битта, бу ҳам бўлса, асарнинг чуқур трагизм билан йўгрилгани, унинг кахрамони ва, айна пайтда, ўқувчиси бўлган инсоннинг изтироб чекиб покланишга бўлган эхтиёжидир.

Хакикатан ҳам, инсонда минглаб табиий, ижтимоий, иктисодий, рухий-маънавий эхтиёжлар билан бир каторда изтироб, гам-кайгуга бўлган эхтиёж ҳам ўта кучли бўлади. Чунки, ўз вақтида Арасту хаким тўгри англаб, кашф этган катарсис, яъни изтироблар оловида покланиш, одамларнинг энг улкан ва энг улугвор рухий эхтиёжидир.

Хазрат Навоийнинг ўзи “Лайли ва Мажнун” дostonини “номаи дард” деб атайди. Асардаги асосий ўринларни кайгу-изтироб ранглари ташкил этади. Классицизмга доир аксар асарлар сингари бу дoston ҳам синкретик хусусиятга эга. Унда эпос, лирика, драма ва паремияга хос хусусиятлар уйғунлашган. Асар сюжети, композицион тизими, образлари ва услубида айна адабий турларга бевосита тааллуқли бўлган жихатлар яккол кўринади. Айтиш мумкинки, дostonни шу нуктаи назардан систематик тадқиқ этиш, адабиёт тарихи фани методологияси учун янги имкониятлар очади. Айна пайтда, дostonдаги олий даражадаги лиризм ҳам, шахслар ва туйгулар аро конфликтни ифодаловчи драматизм ҳам, жахоний эпослар билан бахслаша оладиган эпик кўлам ҳам улкан хронотоп майдонида умуминсоний фожиани талкин этишга хизмат килади. Дostonнинг “Бу дард навхаси итмомининг тараннуми ва бу хасрат номаси ихтитомининг такаллуми ва тартиби авзоининг афсонасин тузмок ва таксими атворининг таронасин кўргузмок ва савху хато аркомига эътироф варзиш этиб Хақдин ул бобда талаби амирзиш килмок” деб шарх берилган ўттиз саккизинчи бобида муаллиф ёзади:

Ёзмокта бу ишки жовидона,

Максудим эмас эди фасона.

Мазмунига бўлди рух майли,  
Афсона эди анинг туфайли.

Лекин чу ракамга келди мазмун,  
Афсона анга либоси мавзун...

Демак, дostonга муносиб либос бўлган Лайли ва Мажнун хакидаги афсона сюжетини бадиий баён этиш, хаттоки хаёт мантики уфуриб турган обектив воқелик хам ушбу дoston учун мақсад эмас, воқита холос. Яъни афсона хамда реал хаёт лавхалари улкан, азалий ва абадий хакикатни ифодаловчи мажоз. Сюжет воқелигини хакикат деб билган ва унга эргашган ўқувчи дostonнинг факат зохирий катламини кашф этади, шунинг ўзи билан кифояланганда хам катта маънавий бойлик сохибига айланади. Иккинчидан, тасвир ва ифода тарзидаги бадиийят соф филологик талкин, тарихий поэтика нуктаи назаридан юксак ахамиятга эга. Аммо шуниси борки, хазрат Навоийнинг пировард мақсади бу хам эмас. Буюк мутафаккир-адиб кўзда тутган, тўғрироғи мақсад килган мазмун бевоқита макон-замон нуктаи назаридан караганимизда ўта улкан. Бир сўз билан айтганда Лайли ва Мажнун деган мажоз остида бутун инсоният тарихи мужассамлашган. Унда Одам атодан тортиб айни дамда дунёга келган чакалоккача, хатто киёматгача келиб кетажак инсоният, айни пайтда ягона инсон тарихи мухрланган. Дostonнинг хронотоп майдони хам айнан шу томондан карагандагина муаллиф талкинига яқинлашади деб ўйлаймиз.

Дoston сюжет тизимидаги хар бир чизикни бирбутун тимсолнинг ажралмас бўлағи деб карайдиган бўлсак, асарнинг умумсюжети, образлар тизими, услуби ва ритми, асл мақсади ва мазмуни, ундаги трагик вазиятлар универсал хронотоп майдонида номоён бўлади. Шунда дoston ота-оналарнинг ўзаро низоси боис халокатга учраган ошак ва маъшука фожиаси хакида эмас, илохий (яъни универсал) хронотопда харакат килаётган инсон хакидаги буюк бир асар экани аёнлашади.

Маълумки, дoston сюжет тизимида реал хаётнинг мантикка сира хам зид келмайдиган, аниқ макон-замонга оид воқеалар, кахрамонлар харакати мавжуд. Хусусан, асар кахрамонлари тугилиб-ўсган оила, улар мансуб кабилалар, улар таълим олган мактаб, кахрамонлар илк бор учрашган бог, сахро, Каъба, тоғ сингари макон ва буларнинг муайян замон оралигида рўй бериши хаммага маълум хаёт воқелигининг нусхасига айнан ўхшаш. Аммо Навоий факат шуни тасвирлаганда “Лайли ва Мажнун” дostonининг жўн реалистик асрдан сира фарқи колмас, унинг муаллифи хам биз билган хазрат Навоий бўлмас эди. Универсал хронотоп майдони сифатида караганда эса ушбу реалиялар мазмун-мохияти ва чегараси бир юз саксон градусга ўзгаради. Хар бир воқеа, образ, детал илохий мазмунни ифодалайди. Шу нуктаи назардан караганимизда асардаги оила - умуман яралишнинг, мактаб - Яратганни танишнинг (яъни илохий маърифатни), гулшан - одимзот бир бора бўйини хидлашга улгурган жаннатнинг, илк висол - Тангри хузуридаги илк кўз очишнинг, хижрон ва у билан боглик изтироблар - Оллохни севувчи, хаётини унинг согинчи билан ўтказувчи солих банданинг, ўлим эса - комил инсоннинг Яратган

жамолига мушарраф бўлишининг тимсолидир.

Достон шундай тимсоллар системаси деб тушунилар экан, ундаги трагик вазият хронотопи ҳам кундалик ҳаёт ёки тор маънодаги бадиий оламга хос макон-замон сарҳадларига сигмайди. Унинг камрови, чегараси ақл бовар килмайдиган даражада кенгаяди. Соддарок тушунтирганда, Оллоҳ висолини максад килмиш инсон учун бу дунё синовлар, машаккату изтироблар майдони. Уни мудом висол согинчи изтиробга солади. Максaди йўлидаги ягона тўсикнинг ўзи экани унинг ечимсиз вазиятда эканидан далолат. Бунда одамнинг ихтиёрсизлиги, бутун кудрат ва инон-ихтиёрнинг Ёрда эканлиги вазиятни янада таранглаштиради. Аммо солих ошиқ бундан умидсизликка тушмайди. Дунё неъматлари, жамиятдаги ёзилган ва ёзилмаган коидалар, ҳатто ақл номли метин девор оша Ёр висоли сари интилишни кўймайди. Гарчи трагик хронотоп замин мезонларига кўра ўта узок ва ечимсиз туюлгани билан, илохий мезонларга кўра ўз ечимига эга. Унинг ижобий ёки салбий ниҳояланиши эса инсоннинг ўзига ҳавола. Ҳазрат Навоийнинг ўзи айтганидек, дунё мисоли бир ҳаммом. Ундан кимдир покланиб чикса, бошқа биров уни нопок холида тарк этади. Достондаги Лайли ва Мажнун солих ва покиза одам тимсолидир.

Достонни

Сўнгин нечақим узоттим охир,

Йиглай-йиглай тугаттим охир...

байти билан яқунлаган шоирнинг ўзи ҳам аслида Лайли-Мажнун(чизикча билан беряпман. Ҳақиқатда Навоий наздида бу икки ном бирни ифодалайди.). Шунингдек, Ҳақ жамолига ошиқ ҳар бир инсон Лайли-Мажнун ёки Мажнун-Лайлидирки, бу ҳулоса ошиқ инсон фожиасининг нақадар улугворлигидан, хусусан, достон мазмунининг абадиятидан далолат беради.

Узок ЖЎРАКУЛОВ